3. Гендер психологияси тарихи неча босқичдан иборат, ва бу босқичларда қупрок нималарга эътибор қаратилади.

4. Ўзбекистонда гендер психологияси бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар муаллифларини биласизми.

11-МАВЗУ: НИЗОЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ.

РЕЖА:

Маъруза машғулотининг таълим технологиясининг модели

Ўқув вақти: 80 минут	Талаба сони
Ўқув машғулотининг тузилиши Маъруза режаси	1. Низолар ҳақида тушунча 2. Низоларни бартараф қилиш усуллари. 3. Талабаларда педагогик мулоқотдаги низоларни тўғри идрок қилиш кўникмасини шакллантириш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади :</i> Талабаларда Низоларни турлари, низолар пайдо бўлишини сабаблари, низоли вазиятларни бўлиб ўтишини асосий босқичлари, низолар тузилиши (структураси), низоли вазиятларда раҳбарни ўзини тутиш услублари хусусида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар: Янги мавзу билан таништириш, мавзуга оид илмий	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талабалар, оилавий

атамаларни очиб бериш, асосий маслалар бўйича тушунчаларни шакллантириш.	муносабатларда амалга ошириладиган жинсий фарклар психологияси ва уларнинг узига хос хусусиятлари, жихатлари хақида тасаввурга эга буладилар, асосий маълумотларни конспектлаштирадилар.
Таълим усуллари:	маъруза, Кластер, Венн диаграммаси.
Ўқув фаолиятини ташкил қилиш шакли	Оммавий
Таълим воситалари	Слайдлар, маркер, флипчарт, жадвал
Қайта алоқа усуллари ва воситалари	Савол жавоб

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
1 босқич 1.1 Ўқув хужжатларини тўлдириш ва талабалар давоматини текшириш (5 мин). 1.2 Ўқув машғулотида кириш (10 мин)	1.2. Оилавий муносабатларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари хақида маълумотлар берилади. Ўқув машғулотида кириш давомида, дастлаб, талабаларга БББ жадвали таклиф этилади ва унинг “Биламан”, “Билишни хоҳлайман” графалари тулдирилади. Жадвалнинг иккита графаси тулдирилгандан сунг, маъруза бошланади.	Тинглашади. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар. Оилавий муносабатларни тадқиқ қилиш жарайни бўйича дастлабки тушунчаларни ифодаловчи маълумотларни БББ жадвалига туширилади, бу иш жараёнида талабаларда оилани тадқиқ қилиш

		серкирра жараён эканлиги хакида тасаввур хосил булади.
2 босқич Асосий 50 мин	2.1 Асосий таъриф келтирилгандан сунг, низолар психологиясига оид асосий маълумотлар берилади. Турли жинсий идентификация масалаларини ифодаловчи кластер талабалар билан биргаликда тезкор равишда тузилади. 2.2. низолар психологияси тадқиқотларни утказиш юзасидан олиб борилган ишларга аниклик киритилади. чет эл олимлари тамонидан низолар психологияси буйича атамаларга ва тушунчаларга изох берилади.	Конспект ёзишади, тинглашади, низолар психологияси буйича доскада кластер тузишади. Барча бериб борилаётган янги тушунча ва атамаларнинг таърифларини ёзиб борадилар, янги атамалар доскага ёзиб борилади. Мавзу буйича саволлар берадилар.
3 босқич. Якуний натижалар 15 мин.	3.1 Мавзу буйича хулоса қилиш. 3.2 Талабаларга БББ жадвалини билиб олдим графасини тўлдириш таклиф етилади, ва ўқув машғулотнинг мақсадига еришиш даражаси тахлил қилинади 3.3 Мавзу юзасидан ўқув вазифаси берилади. Амалий машғулотга тайёрланиш	Ўрганилган мавзу буйича олган маълумотларни БББ жадвалини якуний графасига туширадилар.

1.1. Низолар таърифи.

Низо бу ўзи нима? Психологияда низолар қуйидагича ёритилади. Бирорта вазиятдаги қарама-қарши бўлган ўзаро

келишолмайдиган тенденциялар (оқим, йўналиш) тўқнашуви. Низолар салбий хиссий кечинмалар билан боғлиқ бўлади ва инсон онгида, шахслараро алоқаларда, индивидларни ёки гуруҳларда шахслараро муносабатларда бўлиб ўтиши мумкин.

Демак, шунини айтиш мумкинки, ҳар хил йўналишда бўлган манфаатлар, қизиқишлар, фикрлар, мақсадлар, бу мақсадларни амалга ошириш ҳақидаги тасаввурлар орасидаги тўқнашувлар низоли вазиятларни асосини ташкил қилади.

1.2. Низоларни турлари.

Ижтимоий психологияда низоларни турларга ажратиш вариантлари асосига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, шахсни ички низолари кузатилиши мумкин (рахбарлик бурчи ва қариндошлик туйғулари орасидаги низо), шахслараро келишмовчиликлар (рахбар ва уни ўринбосари мансаб учун талашиши, ҳамкасабалар премия учун ва ҳ.к.) шахс ва у тегишли бўлган ташкилот орасидаги келишмовчилик, бир хил статусдаги гуруҳлар ва ташкилотлар орасидаги келишмовчиликлар.

Низоларни горизонтал бўйича (касбдошлар орасида) ва вертикал бўйича (бир-бирига қарам бўлган шахслар) ҳам таснифлаш мумкин.

Энг кўп вертикал ва аралаш низолар кузатилади. Улар кутиладиган низоларни 70-80% ини ташкил қилади. Рахбар учун ҳам бу ноҳуш ҳолат ҳисобланади, чунки бундай вазиятда ҳамма ходимлар рахбарни ҳаракатларини шу низо орқали таҳлил қиладилар.

Низоларни келиб чиққан сабабларига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Ҳамма сабабларни кўрсатиш мумкин эмас. Аммо Р.Л. Кричевский «Если вы руководитель» (2) китобида уч гуруҳ сабаблар низоли вазиятларни келтириб чиқаради деб ҳисоблаган.

1. Меҳнат жараёни.
2. Одамлар муносабатларини психологик хусусиятлари, шахсларни симпатия ва антипатиялари маданий ва эстетик

фарқлари, раҳбарни ҳаракатлари ва салбий психологик коммуникация ва ҳ.к.

3. Гуруҳ аъзоларини ўзига хос шахсий сифатлари, ўзини хиссий ҳолатларини бошқара олмаслик, агрессивлик, низоларни ташкилот учун аҳамияти ва уларни ечиш йўлларига қараб фарқлайдилар.

Низолар деструктив ва конструктив бўлиши мумкин. Конструктив низолар ташкилот ва уни аъзоларини ҳаёт фаолиятини муҳим қирраларига тегишли бўлади ва бу низоларни ҳал қилиш ташкилотни самарали ва юқори ривожланиш босқичига олиб чиқади. Деструктив низолар салбий натижаларни олиб келади, улар чуқур адоватга айланиб оқибатида гуруҳ ёки ташкилотни фаолиятини самарадорлиги кескин пасайиб кетади.

1.3. Низоларни асосий босқичлари.

Низоларда ҳар хил хусусиятларидан қатъий назар бўлиб ўтиш даврида бир хил босқичлар кузатилади:

1. Қарама-қарши бўлган қизиқишлар, манфаатлар, нормалар ва кадриятларни потенциал шаклланиш босқичи.
2. Низони потенциалдан реал ҳолатга ўтиш босқичи, ёки қатнашчилар томонидан қарама-қарши манфаатларини англаши.
3. Низоли ҳаракатлар босқичи.
4. Низони ечиш босқичи.

1.4. Низоларни тузилиши (структураси).

1. Ҳар бир низо ўзига яраша тузилишга эга. Ҳар бир низоли вазиятни объект бўлади, у қарама-қарши тарафларни технологик ва ташкилий қийинчиликлари, меҳнат ҳақини тўланиши, фаолият ёки шахсий муносабатларни хусусиятларидан келиб чиқади.

2. Низоли вазиятларни иккинчи элементи – бу қатнашчиларни қарашлари, фикрлари, моддий ва маънавий манфаатларидан келиб чиқадиган субъектив мақсад ва мотивларни

3. Низоларда уни оппонентлари қарама-қарши шахслар мавжуд.

4. Ва ҳар бир низоли тўқнашув баҳонасини уни асл сабабидан фарқлаш керак.

Хар бир рахбар шуни эсда сақлаши керакки низони юзага келтирган элементларни хаммаси бор экан низо хал бўлмайди. Низоли вазиятни куч ишлатиб, авраб ечиб бўлмайди, низо кенгайиб кетади. Демак, низони тузилишидаги бирорта элемент бартараф қилинса низо ечилади.

Низоларни бартараф қилиш усуллари.

2.1. Низоли вазиятларда рахбарни ўзини тутиш усуллари.

Мутахассислар низоли вазиятларда ўзини тутиш, уларни ечиш ва бошқариш хусусида кўп тавсиялар ишлаб чиққанлар.

Авваламбор шахсни низоли вазиятдаги хулқини психологик стандартларга мослигини нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Бу модел асосига хулқ-атвор модели Е.Мемибурда, Зигерт ва Лайте фикрлари асосида тузилади. Бу моделга кўра, низони конструктив хал қилиш қуйидаги омилларга боғлиқдир:

1. Низони адекват идрок қилиш, яъни ўзингизни ва қизингизни хатти-харакатларига объектив баҳо бериш.

2. Очик ва самарали мулоқот олиб бориш, муаммони атрофлича муҳокама қилиш ва вазиятдан чиқиб кетиш йўллари белгилаш.

3. Ўзаро ишонч ва ҳамкорлик мухитини яратиш.

Рахбар конфликт шахсларни (келишмовчилик ва адоватга мойил) ўзига хос сифатларини билишлари зарур. Психологларни тадқиқотларини умумлаштирган ҳолда бундай сифатларни қуйидагича белгиладик:

1. Ўзини имконият ва қобилиятлилига нотўғри баҳо бериш, жуда юқори ва паст. Хар иккала ҳолатда ўз-ўзини баҳоси атрофдагиларни баҳосига мос бўлмаганлиги келишмовчиликка асос бўлиши мумкин.

2. Хар қандай шароитда имкониятларидан қатъий назар биринчи бўлишга, ҳукмронликка интилиш.

3. Тафаккурдаги консерватизм, эскирган ва ахамиятини йўқотган анъаналардан воз кечмаслик.

4. Хаддан ташқари тўғрисузрилиқ, принципиаллик ва ҳақиқатни

юзига айтишга интилиш.

5. Шахсга хос бўлган маълум хусусиятлар: хавотирлик, агрессивлик, қайсарлик ва тажанглик.

К.У. Томас ва Р.Х. Килменн раҳбарни низоли вазиятларда ўзини тутиш стратегияларини белгилаб берганлар, низо вазиятида ўзини тутишни асосан 5 та услуби бор: бўйсунуш, компромисс, ҳамкорлик, лоқайдлик ва рақобат.

Ўзингизни манфаатларингиздан келиб чиққан ҳолда ҳар бир низода ўзингизни турлича тутиш: пассив ёки актив, ҳамкорликда ёки индивидуал.

Муайян вазиятни ва шахсни характерини ҳисобга олган ҳолда ҳар қандай услубдан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Кучли ирода, катта обрў ва имкониятга эга бўлган одам рақобат қўлласа бўлади. Ўз манфаатларидан келиб чиқиб ҳамкорликдан манфаатдор эмас ва ўз мақсадига етишиши жуда муҳим бўлган вазиятда бу услубдан фойдаланиши мумкин.

- Рақобат стратегиясини қўллаш мумкин бўлган шароитлар:
- Низони сизни фойдангизга ҳал бўлишидан манфаатингиз жуда катта.
- Обрў эътиборингиз ва ҳокимиятингиз катта ва сиз таклиф қилаётган ечим энг тўғри эканлигига ишонтирганингизда.
- Сизни шундан бошқа чорангиз йўқ ва сиз ҳеч нарса йўқотмайсиз.
- Ўзингизга маъқул бўлмаган ечимни топишингиз керак ва бунинг учун асосларингиз етарли.
- Сизни қўлингиз остидаги одамлар авторитар услубда иш юритаётганни маъқул кўрсалар.

Аммо яқин ва шахсий муносабатларда бу стратегиядан фойдаланиш ярамайди, чунки у муносабатларда совуқлик ва лоқайдлик пайдо бўлишига олиб келади.

Бу стратегия ҳокимиятингиз чекланган ва раҳбарингиз фикрига сизни нуқтаи назарингиз тўғри келмайди.

Сиз низони ҳал қилиш давомида рақибингизни хохиши ва талабларини ҳисобга олишга мажбур бўлсангиз — ҳамкорлик

услугидан фойдаланинг. Бу стратегия анча мураккаб, чунки давомли меҳнатни талаб қилади.

Бу йўналишни тутган одам ўз истак ва хоҳишларини тушуна билиши, ўзгаларни тинглаши ва ҳиссиётларини бошқариши зарур. Бу стратегияни қўллашдан мақсад – давомли ва ўзаро фойдали ечимни ишлаб чиқиш.

Бу факторлардан бирортаси бўлмаса стратегия самарасиз бўлади. Бу стратегияни қуйидаги вазиятларда қўллаш мумкин:

- Компромисс тўғри келмайди ва ҳар иккала томон учун ечим жуда муҳим.
- Қарама-қарши томон билан муносабатларингиз мустаҳкам ва боғлиқ.
- Асосий мақсад – ҳамкорликда тажриба орттириш.
- Ҳар иккала тараф бир-бирини тенглаб ўз фикрларини баён қила олади.
- Ҳамкасбларни нуқтаи назарларини интеграция қилиш ва умумий фаолиятдаги шахсий иттифоқини кучайтириш керак.

Компромисс услуги: уни аҳамияти шундаки – ҳар иккала тараф ўзаро ён босиш орқали битимга келадилар. Бу ҳамкорлик услубига ўхшаб кетади ва анча юзаки амалга оширилади. Ҳар иккала тарафни хоҳишлари бир хил аммо бир вақтни ўзида бу истаклар бажарилишига имкон йўқлигини улар билиб турадилар. Масалан: битта лавозимни ёки битта хонани эгаллашга интилмоқдалар. Бу услуб қўлланилганда ҳар иккала томон ҳозирча рози бўладилар (битимга келадилар).

Бу услубдан қуйидаги вазиятларда фойдаланиш мумкин:

- Ҳар иккала тарафни даъволари асосли ва аҳамияти тенг.
- Истагингизни бажарилиши сиз учун жуда аҳамиятли эмас.
- Бошқа ечим топишга вақт ва имконият йўқ ёки бошқа ечим самарасиз бўлди.

Компромисс ҳамма нарсани йўқотишдан кўра яхшироқ деб баҳоланади.

Ечилаётган муаммо сиз учун унча муҳим эмас. Ҳуқуқингизни

талаб қилмайсиз, хамкорлик қилаётганингиз ҳам йўқ ва низони ечиш учун куч ва вақтингизни сарфлашни истамасангиз ўзингизни олиб қочиш усулубидан фойдаланиш мумкин. Бирор томонни имкониятлари юқорироқ ёки ўзини нохақлигини англаган ва алоқаларни узиши мумкин бўлган вақтда бу услубдан қуйидаги вазиятларда фойдаланилади.

- Келишмовчилик сабаби сиз учун ахамиятсиз ва кучингизни ундан ҳам ахамиятлироқ нарсаларга сафарбар қиласиз.
- Низони ўзингизни фойдангизга хал қилинмайди ва истамайсиз.
- Сизни хокимиятингиз низони фойдангизга хал қилишга имкон бермайди.
- Вақтдан ютмоқчисиз, шароитни ўрганиб тўғри ечим қабул қилмоқчисиз.
- Муаммони шу вақтни ўзида хал қилинмаслиги бу вазиятни чигаллаштиради, холос.
- Қўлингиз остидаги одамлар низони ўзлари бартараф қиладилар.
- Кунингиз оғир бўлди ва низони ечиш муаммоларни кўпайтиради.

Бу услубни маъсулиятдан қочиш деб тушуниш нотўғри бўлади. Шароит шуни тақазо этса муаммо ўз-ўзидан хал бўлади ёки сиз қўшимча маълумот тўплаб тўғри ечимга келасиз.

Сиз ўзингизни фикрингиздан кечасиз ва бу хамкорлик мухитини сақлаб қолиш учун Томас ва Килмен фикрича, бирор томон учун ечим жуда мухим бўлса ва қарши томон учун ахамияти унга катта эмас.

Бўйсуниш услубидан қуйидаги вазиятларда фойдаланиш мумкин:

- Асосий мақсад — низони ечиш эмас тинчлик ва мувозанатни тиклаш.
- Низони сабаби сиз учун ахамиятсиз.
- Одамлар билан ижобий муносабатларни сақланиб қолиши

жуда мухим.

- Ўзингизни ноҳақлагингизни англайсиз.
- Ғолиб келишингизга кўзингиз етмайди.

Низони ечишни энг самарали услубини белгилаб бўлмайди, шароитдан келиб чиққан ҳолда у ёки бу услубдан ўз ўрнида фойдаланса бўлади.

Низо картаси

Низони унумли бартараф қилиш учун ечим услуби танлаш билан бирга уни картасини ҳам тузиш керак. (Х.Карпелиус, Ш.Фэйр)

Карта мазмуни:

1. Сабабини аниқлайсиз. Агар муаммо иш хажми билан боғлиқ бўлса, юкломани тақсимланиш диаграммасини тузинг.
2. Низода иштирок этаётган тарафларни аниқланг.
3. Хар иккала тарафни ҳақиқий эҳтиёжларини аниқланг.

Бундай картани тузилиши фойдадан холи эмас:

1. Можарони расмий чегаралари аниқланади, ортиқча хис-туйғуларга эрк берилмайди.
2. Муаммони ҳамкорликда муҳокама қилинишига имкон бўлади.
3. Ўзи ва ўзгаларни нуқтаи назарлари аниқланади.
4. Эмпатия шароити яратилади, яъни бу муаммога ўзгалар кўзи билан қарашга, уларни тушунишга имконият пайдо бўлади.

Низони бартараф қилишдан аввал қуйидаги саволларга жавоб беринг.

Ижобий ечимга келмоқчимисиз?

Ўзини хиссиётларини бошқариш учун нима қилиш керак?

Қарама-қарши тарафларни ўрнида бўлганингизда хиссиётларингиз қандай бўлар эди?

Низони ечиш учун воситачи керакми? (ўртага одам қўйиш)

Қандай шароитда одамлар бир битимга келиб низони ечимини топишлари мумкин?

2.3. Шахсий хиссий сохадаги низоларни бартараф қилиш.

Рахбар шахс фақат иш жараёнида эмас шахсий хиссий жараёнлардаги муаммоларни ҳам ечиши керак. Бу ҳолда бошқа услублардан фойдаланиш керак, чунки манфаатлар тўқнашуви кузатилмайди ва низони сабабини аниқлаш қийин. «Конфликт шахс» билан рахбар ўзини қандай тутиши керак? Ягона йўли бор – «калитини танлаш» ёки ўзбекча ибора қўлласак «томирини топиш», уни заифроқ ёки ижобий кўра билишингиз керак, чунки уни дунёқарашини, психологик хусусиятларини ёки асаб тезлигини ўзгартира олмайсиз. Бу йўлдан фойдалана олмасангиз шароитдан келиб чиқиб иш тутаверасиз.

Шундай қилиб низоли вазиятда ёки мураккаб шахс билан муомала қилгандек, шароитга мос ва сиз учун қулай бўлган услубда ёндашаверасиз. Тажрибангиз, шароитни енгиллаштириш ва одамни асабини бузмаслик хохиши энг яхши маслаҳатдошингиз.

Агар сиз онгли равишда оптимал стратегияни танласангиз ҳар бир услубдан самарали фойдаланиш мумкин.

Талабаларда педагогик мулоқотдаги низоларни тўғри идрок қилиш кўникмасини шакллантириш

Малакали педагог кадрларни тайёрлашни йўналишларидан бири талабаларда, шахсни касбий хусусиятларини ривожлантирувчи психологик кўникмаларини шакллантиришдир. Педагогик мулоқотда низоларни тўғри идрок қилиш кўникмаси шулар жумласидандир.

Педагогик мулоқотдаги муаммолар орасида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги низо энг мураккаб масалалардандир. Низоли вазиятларни кенг тарқалганлиги, уларни жамиятдаги хавфи ва олдини олиш қийинлиги; бўлғувси ўқитувчиларда махсус дастур бўйича педагогик мулоқот кўникмаларини муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу дастур шахслараро муносабатларни мувозанатлаштириб, мулоқот қатнашчиларини малакасини ошириб, коммуникатив тўсиқларни нотўғри установка ва стереотипларни

бартараф қилишга имкон беради.

Тадқиқот предметини аниқлашда қуйидаги фикрлардан келиб чиқади. Педагогик мулоқотда кузатиладиган кўпгина низолар бир-бирини нотўғри идрок қилишдан, ижтимоий перцепция жараёнлари хусусиятларини билмасликдан келиб чиқади.

Низоли хулқ-атвор турли вазиятни акс эттиришдан келиб чиқади. Низони идрок қилишдаги бир нечта субъектив моментларни кўрсатиб ўтиш лозим. Шахсдаги ички шароитни низоли эканлигини кўрсаткичлари қуйидагича: 1) Индивид ўзи эгаллаб турган позицияга нисбатан тахдид сезса; 2) Ўзини позицияси ва оппонент унга кўрсатаётган позицияларни ўзаро тўғри келмаслигини англаш; 3) Фрустрацияга қаршилик даражасидан ошиб кетиши.

Фрустрация фақатгина активликни чекламай, балки ўқитувчи томонидан ўқувчини ҳар бир қизиқиш ва хис-туйғуларини, уни позициясига аралашиш, дилини оғритиш, хафа қилиш ва х.к. бошқа ҳолатлардан ҳам келиб чиқади.

Мана шу келишмовчиликларни субъектив акс эттирилиши қачон бўлиб ўтадиган вақти кўп шартларга боғлиқ. Томонлардан бирортаси қаршиликни агрессияни намоиш этган пайтда бу содир бўлади. Агар бу ҳолат дўстларнинг давраида рўй берса педагогик мулоқотдаги низо яна чуқурлашади. (Ўқитувчи болага шундай муносабатни дўстлар орасида намоиш этса)

Оппонентларни ўзи ҳақидаги тасаввурлар (ўзини эҳтиёжлари, мақсадлари ва имкониятлари) ва қарама-қарши тараф ҳақидаги тасаввурлари ва ҳар иккала тарафни низо бўлиб ўтаётган вазият ҳақидаги тасаввурлари, низоли вазиятни бўлиб ўтишида ва қатнашчиларни хусусиятларини ўзаро боғлайдиган воситадир.

Кўпгина ўқитувчиларни низоли вазият ҳақидаги образлари ҳақиқатдан йироқ бўлади. Психик ривожланиш шароити, психологик тизимни қайта қурилиши низоли вазиятни англашга субъективлик элементларини киритади. Низони нотўғри идрок қилиниши жуда катта бўлиши мумкин. Бошқа шахсни нотўғри тушуниш низо пайдо бўлишини асосий сабаби ҳисобланади. Битта

субъект вазиятни ўзгартирилган ҳолда ёки хато идрок қилади, бошқаси эса адекват. Вазиятни акс эттирилишидаги адекватлик йўқлиги субъектларни бирортаси хато қилса ҳам низога олиб келади. Вазиятни низоли сифатида идрок қилган субъект ҳаркатга киришади, қарши тараф эса низоли ҳаракат учун асоси борлигини намоён этади.

Шахслараро низога олиб келувчи нотўғри идрок қилиш, оппонентларни мотивларини хато баҳолаш билан боғлиқ. Рақибни сўзларини ва ҳатти ҳаракатларини нотўғри таҳлил қилинганда идрок ҳам хато бўлади. Буни сабаблари турлича: маълумотни иккиламчилиги ва контекст билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар. Баъзи вазиятда ўқитувчини ҳазили ёки мақтови ўқувчи томонидан ҳақорат сифатида қабул қилинади. Ёш ва маданий стереотиплар орасидаги фарқлар ҳам педагогик мулоқот давомида бир-бирини идрок қилишда ҳар хил тафовутларга олиб келади.

Ўқитувчига имконияти кенгроқ эканлигини ўзи ўқувчига вазиятни низоли сифатида талқин қилишга асос бўлиши мумкин. Шу сабабли ўқувчи ўзига қаратилган ҳавф ҳатарни сезади.

Педагогик мулоқот давомида ўқитувчи ўқувчини ақлий имкониятларини баҳолаш экан ўқувчи ўз навбатида бу ўзини шахсини (сифатларини) баҳоси деб тушунади. Ақлий фаолиятини танқидий баҳоси ўзи шахсини танқидий баҳоси сифатида қабул қилинади. Ўқувчида ўзини ҳимоя қилиш мотиви пайдо бўлади ва бир тарафдан бу низоли вазият ва бир томонлама англаган низоли вазият юзага келади, агар танқид салбий ва асоссиз бўлса бу низо янада чуқурлашади. Оппонентлар бир-бирини идрок қилиш жараёни низони юзага келтирувчи асосий омил ҳисобланади.

Агар ижтимоий процепция жараёнлари мустақил равишда низони юзага келтирса ва агрессив ҳаракатларга олиб келса, (объектив сабаблардан ташқари) улар шахслараро курашни ҳам кучайтиради, қарама-қаршилиқни чуқурлаштиради. Идрокдаги хато уларнинг низони юзага келтирувчи асосий сабабидир, улар нафақат низони, балки стресс ва орадаги напярженияни ҳам келтириб

чиқаради.

Демак, низоларни конструктив ечилишида низоли вазиятни адекват идрок қилиниши энг асосий омилдир. Қарама-қарши тарафлар бир-бирларини тасаввурлари ва мотивлари орасидаги фарқларни ҳисобга олиб низоли вазиятни образларини тузутсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Демак, талабаларга педагогик мулоқот олиб бориш давомида нафақат назарий билим, балки амалий кўникмалар ҳам зарурдир.

ОИЛАНИ ТАДКИК КИЛИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ.

Оилавий муносабатларни тадқиқ қилишда комплекс ёндашув асосда эркак ва аёлнинг оила қуриш арфасида нималарга купрок эътибор қаратилиши ва қандай жихатларга тайёр туриши ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади.

1.Узи ҳақида маълумот	
Ёши	_____

3.Жинси	_____

4.Миллати	_____

5.Туғилиш	
жойи	_____
Эр	_____

Хотин	_____

6.Оилавий	
стаж	_____
7.Иш	_____
_____	жойи
стажи	_____
_____	ва

2. Уз _____ оилангиз _____ аъзолари _____
 сони _____
 Турмуш _____ уртогингиз _____ оиласи _____ аъзолари _____
 сони _____
 3. Оилада _____ нечанчи _____
 фарзандсиз _____
 Узингиз _____, _____ Турмуш _____
 уртогингиз _____
 4. Оила аъзоларига кимлар киради.
 Узингизнинг _____ оила _____ аъзолари _____ Турмуш _____
 уртогингизники _____

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

5. Оилангизда неча фарзанд мавжуд. Уларнинг жинси ва сони _____

6. Ота-онангизнинг ижтимоий келиб чиқиши. _____

7. Маълумотингиз. _____

8. Турмуш уртогингиз ва унинг ота-оналари маълумоти. _____

-урта _____

-урта махсус _____

-олий _____

-жавоб беришга кийналаман. _____

9. Ота-онангизнинг оиласи сиз учун намунали ҳисобланадими. _____

-инсонлар билан мулоқотда _____

-турмуш уртогига нисбатан _____

-оиласига нисбатан _____

-фарзандларига нисбатан _____

-уз фаолиятига нисбатан _____

-рузгор юмушларига қарашишига нисбатан _____

-дам олишни ташкил қилишга нисбатан. _____

10. Турмуш кургандан кейин қаерда яшайсизлар. _____

-ота-оналаримиз билан _____

-турмуш уртогининг ота-онаси билан _____

-квартирада _____

-якинлариникида _____

-қариндошларда _____

11. Сизнинг уйингизда асосий масалаларни қим ҳал қилади. _____

- Пул таксимлаш
- кимматбаҳо нарсаларни сотиб олиш
- буш вақтни утказиш
- болаларни тарбиялаш
- дам олишни ташкил қилиш
- пуллик ишлар
- оиладаги роли таксимлаш

12.Оилада фарзандни тарбиялашда қим қандай юмушларни бажаради.

- қир ювиш
- болани овқатлантириш
- боғчага олиб бориш
- ота-оналар мажлисига қатнашиш
- уларнинг дам олиш шароитларини ташкил қилиш
- дарс тайёрлашга ёрдам бериш.

13.Оилавий мушлар қандай таксимланган.

- Овқат пишириш
- идиш тавокларни ювиш
- уйни тозалаш
- қир ювиш
- озик-овқатларни сотиб олиш
- қийим-кечакларни тартибга келтириш
- кимматбаҳо нарсаларни сотиб олиш
- уй ҳайвонларига парвариш қилиш
- полиз ишларини бажариш
- уй туловларини тулаш
- қичик ремонт ишлари.

14.Оилавий муносабатлар бўйича психологик муҳитни баҳолаш.

- оилавий муносабатлар аъло даражада
- ота-она муносабатлари
- фарзандлар уртасидаги муносабатлар
- ота-она ва фарзандлар муносабатлари
- эр-хотин уртасидаги муносабатлар
- қайнона билан муносабатлар
- қайнота билан муносабатлар
- қариндошлар билан муносабатлар

15.Турмуш уртоғингиз билан қаерда танишгансиз.

- ёшлигимдан қушним

- бир кучада яшаганмиз.
- мактабда бирга укиганмиз.
- коллежда бирга укиганмиз
- кучада танишиб ролганмиз
- танишларим оркали
- кариндошларим оркали
- жамоатчилик транспортида.

16.Куёв ёки келин билан қачондан танишсиз.

- ёшликдан
- 10 йил мобайнида
- 5-9 йилдан буён
- 3-4 йилдан буён
- 6 ойдан 12 ойгача
- 3 ой мобайнида

17.Никохингизни қандай баҳолайсиз.

- омадли
- омадсиз.

18.Турмуш қуришга сабаҳи бўлган омилларни қурсатинг.

- эртами,кечми турмушга чиқиш кераклиги сабабли
- урф-одатлар сабабли
- кариндошлар сабабли
- узгалар назарида ҳурматга сазовор бўлиш учун
- моддий таъминланиш учун
- ваъда берилгани учун
- қасддан
- энг яқин инсоним бўлишиги хоҳлаб

Фарзанд қуриш мақсадида

18.Ота-онангиз сиз танлагн инсонга муносабати

- ижобий
- яхши
- салбий

19.Сизнинг оилали бўлишингизда қим қупрок фаоллик қурсатган.

- Узим
- турмуш уртоғим
- ота-онам
- кариндошларим
- тенгдошларим

20.Сизнинг қайси ҳислат ва ҳусусиятларингиз сабабли

турмушингиз яхши кечаяпти.

- оиланинг моддий таъминлаш
- уй-рузгор ишларининг вақтида амал қилиниши
- фарзандларга булган ижобий муносабатим
- иқтисодий масалаларни ижобий ечишим
- уйдаги гапни кучага чиқармаслигим
- оилада дам олиш ва байрамларни ижобий ташкил қила олишим.
- турмуш уртоғимнинг оила аъзоларига яхши муносабатда бўлишим.

- оилада психологик муҳитни бошқариб билишим
- ролли кутиш ва функцияларни самарали қўлай олишим.

21.Куйида курсатилаган амаллардан қайси купрок яхши натижага эришишга замин яратади.

- мазали овқат қилиш
- уйда тартиб интизом сақлаш
- фарзандларни яхши тарбиялаш
- оиланинг бюджетини тугри ишлатиш
- оила аъзоларининг барчасига илик вас амимий муносабатда

бўлиш

- сизнинг ота-онагизга илик муносабатда бўлиш
- эр-хотнлик вазифасини яхши уйдлаш
- оилани меҳр-мухаббат учоғига айлантириш
- оиланинг маблағини қўлайтиришга ёрдам бериш.

22.Қачон ва қаерда,ким билан биринчи низо қелиб қиккан.

- онам
- отам
- қайнонам
- қайнотам
- турмуш уртоғим
- қайнога
- қайнопа.

23.Низо қупрок ким билан қупрок учрайди.

- онам билан
- отамбилан
- турмуш уртоғим билан
- қайнонам
- қайнотам
- Қайнопа
- қайнога

-бошка кариндошлар

24.Оилада келиб чикадиган низоларни бартараф қилиш мумкинми.

-ха-

-баъзида

-йук

-булиши мумкин

25.Эр-хотин уртасидаги низога купрок ким сабабчи булади.

-узим

-турмуш уртогим

-иккаламиз.

25.Турмуш кургунга кадар турмуш уртогингизнинг салбий жихатларини билармидингиз.

-унда салбий характер хусусиятлар йук

-билмасдим.ахамият бермаганман.

-утиб кетади деб умид қилганман.

-одатий холл деб қабул қилганман.

-бохабар эдим.

26. Буш вақтингизни қандай утказасиз.

-оилада турли юмушларни бажараман

-спорт билан шугулланаман

-китоб мутоала қиламан

-якинларим билан вақтимни утказаман

-театр,кино,музейларга бораман

-Фарзандлар билан вақтимни утказаман

-телевизор олдида утираман.

27.Турмуш уртогингиз билан вақтингизни қандай утказавсиз.

- одатда биргамиз

-уйдан узоқда биргамиз

-уйда ёлгизман

-уйдан ташқарида ҳам узимни ёлгиз хис қиламан.

28. оилангизда низолар қандай қуринишда содир булади.

-купрок оғзаки шахсиятга тегмасдан

-оғзаки аммо шахсиятга тегган ҳолатда

-оилавий низоларда қул қучи ишлатиш орқали

-жанжаллар оқибатли кечади.

29.Оилангизда турли қарашлар сабабли юзага келган низоларда қим купрок ён босади.

-юзага келган масалаларга қура турмуш уртогим

-юзага келган масалаларга кура узим.

30.Оилангизда биринчи келишмовчилик қачон юзага келган.

-оиланинг иқтисодий масалаларини бошқара олмаслиқдан

-уй юмушларини рисоладагидек бажара олмаслиқдан

-фарзанд тарбиясидаги камчиликлардан

-юзага келган низони бартараф қила олмаслиқдан.

-оила аъзолари билан яхши муносабатда булла олмаслиқдан

-никоҳдан коникмаслиқдан

-кайфиятим ва психологик ҳолатимни тунуна олмаслиқдан

- турмуш уртоғимнинг қуполлиги ва дағаллигидан

-хиёнат сабабли

-турмуш уртоғимнинг ота-онаси оиламизга таъсиридан

-турмуш уртоғимнинг қуп ҳолларда уйда булмаслигидан

-турмуш уртоғимнинг уз касби билан қупрок

шугулланганлигидан

- оила муносабатларига қариндошларнинг аралашуvidан

-турмуш уртоғимнинг уз ота-онасига қупрок вақтини сарфлашидан

-кадриятларимиз ва қарашларимизнинг тугри қелмаслигидан

-менинг фикрим билан ҳисоблашмаганлигидан.

31.Ажралиш тугрисида фикрга қелганмисиз

-ха

-баъзи ҳолатларда қелганман

-йук.

Оилавий муносабатларнинг иккинчи босқичи- қариндошлар уртасидаги никоҳнинг бекор қилиниши ва оила бошлиғи аёл булиб,эрқакнинг номаълумлиги.Фарзандларнинг факатгина она томонидан тан олиниши.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ.

Жамиятдаги узғаришлар шахснинг миллий қиёфаси, характери, узлигини англашнинг янги қирраларини шакллантиришга, оиланинг миллий услубини танлашга, ижобий хусусиятларини ривожлантиришга, иллатларга барҳам беришга ва узига ҳос этнопсихологик хусусиятларининг янги қуринишларини яратишга замин ҳозирлаши эҳтимол.

1.Жамиятдаги кандай узгаришлар шахснинг янги кирраларини шакллантиришга ёрдам беради.

2.Шахс хусусиятлари оилалик булгандан кейин ижобий ёки салбий томонга узгаришига нима сабаб булиши мумкин.

Оилада унинг аъзолари интизоми ва маданиятига асос солинади. Жамият қабул қилган ҳамда инсон ҳаётини юқорироқ даражага кутара оладиган хатти-ҳаракатлар меъёригина қулай оилавий шароитларда инсоннинг табиатига сингиб кетади. Усиб келаётган ёш авлодни ахлокий, психологик ва жисмоний соғлигини мустаҳкамлашда оиланинг маъсулиятини ошириш- бу ҳозирги даврнинг ута муҳим муаммоларидан бирини ҳал этиш демакдир.

1.Оилавий муносабатларда меъёрлар мавжудми.

2.Психологик ва жисмоний соғлиқни мустаҳкамлашда оила кандай муҳит булиши лозим.

** *

Ҳар бир оила бошқаларга ухшамайдиган уз шахсий индивидуал кифёсига эгадир. Оила аъзоларининг маълумоти, маънавий талаблари, иқтисодий шарт-шароитлари,установкалари,ҳаётий позициялари ва қарашлари турлича булиши сабабли оиладаги келиб чиқадиган муаммолар ҳам турличадир.

1.Кандай муаммолар шахснинг индивидуал ва типологик хусусиятларига таъсир қурсатади.

2.Шахснинг индивидуал кифёси деганда нимани тушунаси.

Эркак ва аёл уртасида салбий муносабатлар, келин ва қайнона

уртасидаги низолар, фарзанд ва ота-оналар уртасидаги тушунмовчиликлар оила аъзоларининг уртасидаги муносабатларини салбийлашишига олиб келади. Шу сабабли оилада психик носоглом муҳит юзага келади. Бу ҳолатлар оилавий инкирознинг юзага келишига сабабчи бўлмоқда.

1.Келишмовчиликни бартараф қилиш шахсдан нималарни талаб қилинади.

2.Инкирозли вазият қандай психик ҳолатни юзага келтиради.

* * *

Баъзи оилаларда муносабатларнинг самимий ва ижобий эмаслиги оқибатида фарзандларнинг оилавий бахт, осойишталик ва кераклилик хусусиятларидан тулик бахраманд бўлаолмаётгаликлари сабабли оила-никоҳ муносабатларнинг тартибдан чиқиб кетиш ҳоллари учрамоқда.

1.Ота-она ва фарзандлар муносабатларини ижобий кечишини таъминлаш қайси омилларга боғлиқ.

2.Оилада ота-она қайси тарбия услубини қуқроқ қуллаши лозим.

* * *

Шахснинг шаклланиши динамик хусусиятга эга, шунинг учун унинг ривожланишида гоҳо илгарилаб кетиш, гоҳо тараккиётдан орқада қолиб кетиш ҳолатлари қузатилади. Оқибатда, баъзан шахсларнинг хати-харақатларида узини-узи маҳқум қилувчанлик белгилари намоён бўлиши қузатилади. Улар узларининг жисмоний ва рухий саломатликлари билан боғлиқ хотиржамлиқнинг қадрига етмайдилар, турли жисмоний шикастланишлар, рухий тушқунлиқлар натижаси улароқ уз истикбол режаларини туза олмайдилар, худди шу боис, узларининг ижтимоий мавқеаларига путур етқазадилар.

1.Оила аъзоларининг рухий ва жисмоний соғлиги нималарга боғлиқ тарзда шаклланади.

2.Нега бир хил тарбия негизида турли хил характерли шахслар шаклланади.

* * *

Инсоннинг хулк атвордаги огишларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан таназзули улар турмуш тарзининг носоглом кечишига, шахсни турли иллатлар сари етаклашга, оилавий муносабатлардан воз кечиш, чекиниш, кочиш ва карши туриш каби ҳолатларни юзага келишига замин яратилади. Бу эса шахснинг уз қобигига уралиб қолиши сабабли юзага келади. Носоглом хулк-атвор шахс ривожига ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик, турли даражадаги ҳулки огишликга етакловчи жараёндир.

1. Шахс хулк атворига узгаришларнинг ташқи ифодаси салбий муносабатларнинг қелиб чиқишига сабаб бўладими.

2. Шахснинг уз қобиги деганда нимани тушунаси.

* * *

Оилавий муносабатларда баъзи ҳолатларда ота-оналар фарзандлар манфаатига зид чиқувчи баъзи вазиятларини ҳам юзага келтирадилар, баъзида болаларнинг фикрларини ҳисобга олмайди, уларнинг тарбияси ва таълимига оид масалаларни узича ҳал қилади ва фарзандлари уртасида низоларнинг қелиб чиқишига сабабчи бўлади. Ота-оналар баъзида уйланган ва турмушга чиққан фарзандларига муносабатларини узгартирадилар, уларни уз ҳимоясида ажратишга ва уларга нисбатан бошқача муносабатларни юзага келтирадилар. Шу сабабли оиладаги қелиб чиқадиган барча муаммоли вазиятлар шахсларнинг ушбу вазиятларга қарашлари ва муносабатларга боғлиқ

ра вишда уз ечимини топади.

1. Оилада фарзанднинг дунёқарабини ижобий шаклланишига қайси олимлар уз таъсирини утказади.

2. Оилалик бўлган фарзанд янгича турмуш тарзига мослашиш ва

куникиш жараёнида ота-она вазифаси нимадан иборат.

* * *

Оилада ижобий психологик мухитни бир меъёрда саклаш оила аъзоларининг барчасига тааллуқли ходисадир. Шу сабабли ҳам оилаларда юзага келадиган муаммоларни бартараф қилиш учун ҳар бир оила аъзоси маъсулият ни ҳис қилиши ва иложи борича қупрок самимий ва очик мулоқот ,муносабат ва фаолият турини танлаши лозим.Муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим.

1. Эмоционал-психологик мадад, эмоционал ёрдам бериш шахсларнинг ҳиссиётларини барқарорлаштириш ва ларнинг психологик терапиясини утказиш.
2. Оила аъзоларининг ҳаракатларини маънавий тартибга солиш.
3. Оила аъзолари барчасининг уртасидаги масъулият ва мажбуриятларни тартибга солиш
4. Оила аъзоларининг бир-бирларини қуллаб-қуватлашлари.

1.Юқорида келтирилган вазифалар оилада ижобий психологик мухитни саклашга ёрдам берадими.

2.Очик,самимий мулоқот,муносабат ва фаолият деганда нимани тушунаси.

* * *

Ота-оналар, эр-хотинлар, фарзандлар, қайнона-келинлар уртасидаги шахслараро муносабатларнинг ҳудудий, этнопсихологик узиға ҳослигини сакланиб қолишиға сабаб шахснинг фикри, маънавияти, урф-одатларға муносабати, узаро психологик таъсири, интеллектуал йуналганлиги ижтимоий шартланганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Оиланинг самарали шакилланиши ва муаммоларни бартараф қилиши, ҳар бир шахснинг уз фаолиятини тугри ташкил қила олиши, воқеликни олдиндан қура қилиши, вазиятларға адолатли ёндашиши, муаммоларни тугри ҳал қилишға ёрдам беради.

- 1.Оилада энг қуп учрайдиган муаммоларни таснифланг.

2.Этнопсихологик узига хослик деганда нимани тушунализ.

1. Узбек оилаларида миллий маданият, урф-одатлар ва маросимларга амал килишда этник хусусиятларга риоя килинган холда ворислик сакланиб колган.

1.Этник хусусият дегенда нимани тушунализ.

2.Авлоддан-авлодга утувчи урф-одатларга мисоллар келтиринг.

1. Узбек оилаларидаги психологик мухитнинг муайян шаклда сакланиб туришига таъсир курсатадиган келинларнинг урни ва нуфузи худудий фаркларга эгадир. Келин гохида ислохатчи ролини бажаради.

1.Бу фикрга кушиласизми.

2.Оилада психологик мухитни бир меъёрда саклашга ким масъул деб хисоблайсиз.

* * *

Угил уйлантириш, киз узатиш масалалари баъзида оилавий муносабатларнинг узгариб туришига ва шу узгаришлар туфайли шахсларнинг психологик хусусиятлари ва хислатларини олдиндан башорат килиш мумкин булади.

1.Угил ёки киз фарзанднинг узгаришига нима сабабчи булади.


** *

оилаларидаги кайнона-келин муносабатларидаги турли

хиллилик оилавий муносабатларнинг шаклини узгартириб маълум бир тафовутларни келтириб чикаради. Тафовутларнинг ижобий тус олиши эса аёлларнинг психологик хусусиятларига купрок богликдир.

** *

Оилаларида аёлларнинг психологик хусусиятлари оилавий турмушнинг хонадонга боглик кирраларида аёлларнинг турли ролларини бажариши, оиланинг этнопсихологик хусусиятларининг баркарор таъминланиши ҳамда психологик мухитнинг ижобий ёки салбий куруниш олишига хал килувчи омил сифатида уйгунлашган тарзида таъсир утказди.





Ота-оналар ва фарзандлар муносабатини ифодаловчи инсоннинг психологик ҳолатлари оилавий муносабатларнинг узига хос хусусиятларини намоён килувчи жараёндир. Купгина тадқиқотчи олимлар оилавий муносабатларда ота-онанинг фарзандларга булган

муносабатлари намоён булишида шахсий сифат,фазилат,ва хусусиятларнинг устиворлиги ҳамда уларни намоён булишига шахсий установкалар,тажриба,йуналиш ва карашларни сабачи килиб курсатади.

Оилавий муносабатларни намоён килишда шахснинг идентификацияси яъни жинсий узига хосликлар ҳам ката ахамият касб этади.Оилада эр-хотиннинг асосий вазифалари куйидагича-жинсий узини англаш,уз жинсини хурмат килиш,турли фаолиятларда жинсий сифат.фазилат ва хусусиятларини намоён килишга ургатиш,карама-карши жинсга нисбатан хурмат ва ҳамкорлик килишнинг узига хос жихатлаини шакллантиришдан иборатдир.

Купгина холларда купчилик ота-оналар томонидан фарзандларни угил булса отаси,киз булса онаси тарбиялаши лозим деган тушунчани шакллантирадилар.





Фарзандларнинг оила ва никоҳ масалалари буйича карашларини ижобий ва аниқ шакллантиришда жинсий ижтимоийлашув масаласи катта аҳамият касб этади. Шу сабабли фарзандларга куйидаги йуналишдаги вазифаларни етказиш лозим-жинсий ролни ижро килиш, уз жинсига алоқадор фаолиятларни бажариш, ахлоқ, одоб, ритуал ва табулар тугрисида аниқ фикрлар га эга булиш. Болаларни уз жинсларига алоқадор булган психологик муаммолар ва масалалар билан мунтазам таништириб ва тушунтириб бориш кузда тутилади. Угил бола ва киз болаларнинг дифференциал узига хосликлари ва психофизиологик хусусиятларини мукамал билишга каратилган оқартув ишларни ташкил килиш лозим.



Угил болаларда жинсий ривожланишнинг узига хос
хусусиятлари









ГЛОССАРИЙ

Оила мақоми - Оиладаги ҳар бир аъзо ўз оиласининг мақомини давомийлигини таъминлашга масъул ҳисобланади, чунки авлоддан-авлодга меросийлигини таъминловчи оила мақоми ҳар бир шахс учун катта аҳамият касб этади. Унинг оила кўришини ижобий ёки салбий тус олишига ҳам оиланинг мақоми катта таъсир кўрсатади.

Турмуш тарзи - Ҳар бир оиланинг ўз турмуш тарзи бўлиб у қуйидагиларда ўз аксини топади: самимий ва ижобий муносабат, мулоқот ва фаолият, оила аъзоларининг позициялари, установкалари, йуналишлари, таъби, ҳуқуқи ва гуруҳий муносабати.

Ижтимоий ҳуқуқ-инсоннинг жамиятда тутадиган ўрни, ижтимоий муносабатларни амалга ошириш даражаси, мавқега боғлиқдир.

Оилавий ҳуқуқ- ҳар бир оиланинг эҳтиёжлари, қарашлари, диди, ахлоқий сифатлари, тарбия услублари ва қадриятлари асосида юзага

келади.

Ижтимоийлашув функцияси- шахсининг жамият билан аълоқасини таъминлашда марказий ўринни эгаллаган ижтимоийлашув функцияси ота-оналар томонидан қанчалик ижобий кечса, шахс шунчалик бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши таъминланади.

Репродуктив функцияси- Авлоддан-авлодга меросийликни таъминловчи насл қолириш вазифаси эр ва хотин учун энг олий ҳисобланиб уни таъминлашга иккаласи ҳам масъулдир.

Эмоционал қониқиш функцияси-Муомалада хис туйғуларни тўғри ва аниқ,самимий ифодаланиши оилавий муносабатларни ижобий кечишини таъминловчи омилдир.Чунки фақат оиладада кундалик олинган эмоционал ҳолатларни таҳлил қили шва муаммоларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Химоя функцияси-Оила жуда катта масъулятни бажаради у уз аъзоларини жисмоний,иктисодий,психологик химоясини турли даражада амалга оширади.

Иктисодий функция-Оилавий ҳаёт меъёрлари иктисодий муаммоларни,масалаларни бир жамоа були,умумий хужалик юритиши асосида мустахкам иктисодий алоқаларнинг шаклланишига имкон яратади.

Деструктив муносабат-Оила аъзолари уртасида баъзи ҳолатларда келиб чиқадиган муносабатжаҳл,аччикланиш,газаб ва йироклашиш каби психологик ҳолатларни келтириб чиқади бу эса оилавий низоларни келиб чиқишига сабчи булади.

Конструктив муносабат-Самимийлик асосидаги муносабатлар булибоила аъзоланинг барчаси билан очик ва яқинлик асосида амалга оширилади. Давомли муносабат баъзи ҳолатларда ута самимийлик ҳам бошқа аъзолар томонидан ижобий баҳоланмаслиги мумкин,Шу сабабли самимиятнинг ҳам даражаларини эътиборга олиш лозим.

Ижтимоий муносабат-шахсларнинг жамиятда тутган урни.роли ва мавқега асосланган муносабатлар тури.

Шахслараро муносабат-шахсларнинг эмоционал-хиссий кузғалишига асосланган ,шахсий сифат ,фазилат ва хусусиятларини намоён қилувчи жараён.

Эр-хотин муносабатлари-оилада эркак ва аёлнинг уз установакалари,карашлари,позициялари,таби,диди,муомала.мулокат ва оилавий фаолият орқали ифодаланадиган жараён.

Кариндошлар муносабатлари-оилавий муносабатларнинг асоси бўлиб,узро хурмат,самимият,кадриятлар,анъана ,урф-одатларини,авлоддан-авлодга утувчи барча оилавий ритуал ва психологик механизмлар оркали ифодаланадиган,оиланинг ворисийлигини таъминлаб берувчи шахслараро муносабатлар.

Ота-она ва фарзандлар муносабатлари-оилада ушбу муносабатлар негиз ҳисобланиб,ота-онанинг фарзандларга булган муносабатлари оркали оила аъзорларининг келажақдаги турмуши ҳақида ташхис килишга имкон яратувчи муносабатлардир.

Кайнона-келин муносабатлари-узбек оиласида кайнона ва келин уртасидаги муносабатлар узига ҳос психологик қонуниятлар, механизмлар, қарашлар,тамойиллар вавазифалардан иборат фаолият тури.

Фарзандлар уртасидаги муносабатлар-оиланинг тарбия услублари сабабли юзага келадиган фарзандлар уртасидаги муносабат шу оиланинг мавқеи, урни ва вазифаларини,уз ота-онасининг ҳаётий тажрибаларини оилавий ҳаётида намоён қилиш.

Келин ва куёв муносабатлари-Одатда йигит ва қизнинг никоҳдан кейинги иттифоқи ва бирлашуви асосидаги муносабатларнинг юзага қелиши.

Ролли қутишлар-оила қураётган шахсларнинг оиладан нимани қутиши,қандай оилавий ҳаёт қурмокчи эканлиги,жуфтидан қандай ҳислат ва хусусиятларни қутиши тўғрисидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши.

Ролли қутишларнинг бузилишлари-эркак ёки аёл томонидан уз ролларини суъистемол қилиниши,яъни эркак аёл ролларига аралашини,ёки аёлнинг эркакнинг ролини ҳам узи бажариши оқибатида юзага келадиган ҳолат.

Оилавий ҳаётда компромислар-эркак ва аёл томонидан оилавий муносабатларни тугри ва аниқ ташкил қилиниши оқибатида оила ривожланади, агар нотугри ташкил қилинган бўлса оилавий муносабатлар нотугри шаклланади.

Ота-оналарнинг ёшлар муносабатига таъсири-Ҳар бир оиланинг узига ҳос муносабатлар услуби,турмуш тарзи ва установкалари мавжуд бўлиб,келинлик ёки қизни турмушга чиқаририлгандан кейинги муносабатларнинг ёшларга таъсири ва уларнинг узгариши.

Психологик муҳит-Ҳар бир оиланинг уз психологик муҳити мавжуд бўлиб оила аъзоларининг бирортаси бу бўҳитни бевосита

узгартириб туриши эҳтимоли мавжуд.

Оилавий вазифалар таксимоти-Купгина оилаларда оила аъзолари уртасида уй юмушлари ва вазифалар аник таксимланиб куйилади,шу сабабли бундай оилаларда низолар жуда кам ҳолларда келиб чиқади.

Келишмовчилик-Одатда иккита шахс уртасидаги мулоқот,Муносабат,ва фаолиятдаги хилма-хиллик қарашларнинг тўғри келмаслиги оқибатида келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Қабул қилмаслик-Баъзи ҳолларда оила аъзоларининг бирор бир масала юзасидан бир хил фикрни,ҳолатни,вазиятни қабул қила олмасликлари оқибатида келиб чиқадиған ҳолат.

Фикрлар хилма-хиллиги-Турли оилавий шароит ва турли қарашлар,қадриятлар асосида шаклланған инсонлар бирлашганидан кейинги учраб турадиған ҳолат.

Тушунмовчилик-Тушуниш оилавий муносабатларда жуда қупчилик ҳолатларда талаб қилинадиған жараён,чунки ҳар бир аъзо уз нуқтаи назаридан келиб чиқиб фикр юритади аммо баъзи ҳолатларда инсонни тушуниш ва уз фикридан кечиш қайтиш ҳам керак бўлади.

Қарама-қаршилиқ-оилавий муносабатлардаги қарама-қаршилиқларга қупрок сабаб бўлувчи узғалар фикри,ҳаракати,муомаласи,муносабатини қабул қилмаслик оқибатида юзага келадиған ҳолат.

Зиддият-оила аъзоларининг барчасига ҳос ҳолат бўлиб ,айнан қизиқишларнинг тўғри келмаслиги оқибатида юзага келади.уни барқараф қилиш учун эса узғалар қизиқишларини ҳам ҳурмат қилиш лозим.

Манфаатлар тукнашуви-оилавий ҳаётнинг узига ҳос муносабат услубларини юзага келтирувчи манфаатлар тукнашуви содир бўлиши мумкин,аммо бу манфаатларнинг тукнашувини фақатгина тажриба, фаҳм,қаросат ва ақл билан енгил мумкин.

Қонтруктив низо-оилавий муносабатларда юзага келиб ечими муқаррар бўлған низолар ва муносабатлар янада самимийлашувига ёрдам беради.

Деструктив низо-Бундай низолар келиб чиқиши ва кечиши узок давом этувчи ва шахслараро муносабатларни салбийлаштирувчи ҳисобланади.Айниқса қелин ва қуёв ўртасида кечадиған бундай низолар давомийлиги билан ҳам оила аъзоларини бир-биридан

узоклаштиради.

Аралаш низо-бундай низолар замирида бутунлай бошка низолар яширишган булади.

Тасодифий низо-ёки шартли равишда юзага келадиган ,осонлик билан тез хал килинадиган низолар.Бундай низолар баъзан уша низони келтириб чиқарувчилар томонидан тушунилмайди.

Нотўғри талкин килинган низо-бундай низолар воқеликни етказишда ёки уни тан олишдаги хатоликлар сабабли юзага чиқиши мумкин.

Психологик ажралиш-оилавий муносабатларда кузатиладиган ушбу ажралиш тури эркак ва аёлнинг психологик,эмоционал хиссий совуқлик ва узоклашиши сабабли юзага келади.

Физиологик ажралиш-эркак ва аёл уртасида юзага келадиган ушбу ажралиш турига иккала томоннинг бир-бирини физиологик хазм қила олмаслик оқибатида юзага келади.

Вактинчалик ажралиш-иккала томоннинг розилиги асосида бир канча вақт айрим яшаш.

Юридик ажралиш-эркак ва аёл томонидан уз шахсий манфаатларини ҳимоя қилишлари ва унда қатъий туришлари асосида юзага келади.

Эркак психологияси-жинсий идентификацияси бўйича узига ҳос хусусиятларни намоён қилувчи ,оилада уз урни,роли,мавқега эга бўлувчи,ва муносабатлари ижтимоийлашган шахс.

Аёл психологияси-жинсий идентификацияси бўйича узига ҳос хусусиятларни намоён қилувчи,оиладаги барча вазифа ва муносабатларни бошқариб турувчи,оиланинг эмоционал ,психологик муҳитини белгилаб бевуви шахс.

Ижтимоий маданий - эркак ва аёлнинг маълумоти, даражаси,ёши,яшаш жойи,фаолият тури сабабли юзага келадию

Ижтимоий психологик-эр-хотин уртасидаги роллар тақсимооти,вазифаларнинг тақсимланиши,оилавий турмуш тугрисидаги қарашларнинг уйғунлиги.

Психофизиологик-эркак ва аёл томонидан шахсларнинг физиологик жиҳатларини,жуссаси,тана тузилиши,қуввати,жисмоний ҳатти-ҳаракатларини қабул қилиниши орқали ифодаланадиган жараён.

Қадриятлар шкаласи-оилавий турмушда қатта аҳамият қасб этувчи,оила аъзоларининг узок умр қуришларига қамин яратувчи,уз оиласига бўлган муносабатларини намоён қилувчи омил.

Психологик мувофиклик-эркак ва аёл психологиясини узаро хис килиш ва намоён кила олиш маданияти.

